



## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА ХОР ИЖРОЧИЛИГИНИНГ АҲАМИЯТИ

Х.Қулматова

Намаган Давлат Университети магистранти

**Аннотация:** Ушбу мақолада умумтаълим мактаб ўқувчиларини тарбиялашда хор ижрочилигининг аҳамияти хақида сўз боради

**Калит сўзлар:** халқ санаъти, Хор ижрочилиги, вокал-хор жанри, сўз ва мусиқадаги

Бугунги кунда хор ижрочилиги кенг тарқалган асл халқ санаъти турларидан биридир. Жамоа бўлиб ажро этиш, одамларга чуқур, эстетик завқ уйғотибгина қолмай, балки, уларни бирлаштиради. Жамоа бўлиб бирлашишга олиб келади ҳамда маънавий савиясини, бадиий дидини оширишга ёрдам беради. Бу сўз ва мусиқадаги ғоя бир одам орқали эмас, балки, бир гуруҳ жамоа томонидан ифода этилишидир. Хор санаъти инсоннинг энг яхши ҳистойғуларини уйғотиб, хаяжонлаштириш, қизиқтириш ҳусусиятига эга. Шу сабабдан хор иштирокчилари билан бир қаторда тингловчиларнинг ҳам бадиий-ғоявий тарбияланишидаги ўрни жуда катта ва муҳимдир.

Тарбия воситаси сифатига хор ижрочилигининг анъаналарга бориб такалади. Шунингдек мактабларда ўқувчиларда ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғулари ва жамоа бўлиб бирлашиш каби хислатларни тарбиялашда хор ижрочилиги жуда катта аҳамият касб этади.

Хор ижрочилиги мусиқа санъати тури сифатида ижрочилиги йуналишларида ривожланиб келмоқда. Куйлаш усули, товуш ҳосил қилиш характеристери, овозларнинг тембр турланиши, ижрочилиги техникаси усуллари ва ифодалаш воситаларининг имкониятларига қараб хор ижрочилик услуби аниқлашади.

Хор – бу вокал мусиқали чолгу асбоблар журлигига ёки журсиз асарни ижро этувчи хонандалар жамоасидир. Хор атамаси юононча «choros» сўзидан олиниб, «тўда, йифин» маъносини англатади. Мусиқа амалиёти давомида хорнинг ҳар хил турлари (тип хора) ва кўринишлари мавжуд.

Хор тури хорнинг тузилиши сифатига қараб аниқланади. Турига хор бир хил ёки аралаш тузилишда бўлиши мумкин, яъни аёллар, эркаклар, болалар хори киради. Аралаш хорга эса, аёллар билан болалар хори, эркаклар билан аёллар хори киради.

Ўқувчилар хори диснантлар (сапрano) ва альт партияларидан иборат бўлади. Улар ёшлирига кўра 3 гурухга бўлинади:

1. Кичик мактаб ёшидаги болалар -10 ёш.
2. Мактаб ёшидаги ўрта гуруҳ яъни ўрта хор 11-13 ёш



Мактаб ёшидаги катта гурӯҳ яъни катта ёки ўсмирлар хори 14-18 ёшлар киради. Болалар хорига мисол килиб «Булбулча» болалар хорини айтиш мумкин. Мусика амалиётида турт хор партияси яъни сорано, альт, телор, бас овозли хор кенг тарқалган.

Болаларнинг ёшига мос қўшиқлари ёки ўзбек халқ мусиқа ижодидаги қўшиқларни ўрганишларида болалар овозининг ўзгариш (мутация) ҳолатларини эътиборга олиш, улар овозларини асраб-авайлаб тарбиялаш, авж пардаларни ижро этишларида бақириб қўйлашларига йўл қўймаслик лозим.

Ўқувчиларга қўшиқ ўргатишда вокал-хор жанри ўта муҳим аҳамият касб этади. Бунда мусиқа тинглаш, вокал-хор асарини ижро этишда умумтаълим мактабларининг ўрта ва юқори синф ўқувчиларида олинган билим, қўникма ва малакаларга, шунингдек, ҳаётий тажрибаларга суюниб иш тутиш юқори натижаларга эришишда катта ёрдам беради. Бироқ мусиқа танлашда мазмун жиҳатдан анча мураккаб бўлган асарлар танланиши тавсия этилади. Ўқувчилар, ўзбек халқ қўшиқлари, мақом асарлари, мумтоз ашуналар, ялла ва лапарлар, халқ мусиқасининг маҳаллий услублари билан танишиб, тузилиш мазмуни, тарихини ўрганадилар. Ўрганиладиган асарлар бадиий ва ғоявий яхлит таассурот қолдириш учун уларни маълум даражада реал ҳаёт, ижтимоий масалалар асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўсиб келаётган ёш авлодни маънан ва жисмонан бақувват қилиб тарбиялашда мусиқа санъатидан фойдаланиш асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Шундай экан, умумтаълим мактабларининг хор ижрочилигининг дарсларини сифат ва самарадорлигини ошириш айнан бугунги глобаллашув жараённинг давр тақозосидир. Юқорида тилга олинган мусиқа санъатининг барча турларидан умумтаълим мактаблари «мусиқа» дарсларида фойдаланишбиз кўзлаган мақсадга эришишда мустаҳкам пойdevor бўлиши шубҳасиз.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Т.: «Фан», 1974. -221-б.
2. 3. Кароматов Ф. Ўзбек халқи музика мероси (йигирманчи асрда). – Т.: (Фан), 1985. 2-том, -174-б.
3. Иброҳимов О.А. Ўзбек халқ мусиқа ижоди (методик тавсиялар, I қисм). – Т.: «Ибн Сино», 1994. -62-б.
4. Мирзаева Н.А. Хонандалик услубиёти асослари. Маъruzalар матни. – Т.: Ўзбекистон давлат консерваторияси, 2008. -48-б.
5. Панжиев Қ. Сурхондарё вилояти ўзбек халқ қўшиқчилик ижодиёти. / Санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация, 2010.



6. Қахҳаров Н.В. Вокал асослари. – Т.: «Иқтисод-молия», 2008. -314-б.
7. Cathrine Sadolin. Complete vocal technique. 2012.

[www.Completevocalinstitute.com](http://www.Completevocalinstitute.com)